

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИЧКИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
РАЎБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Автомобилсозлик саноатида рақобат шароитларини яратиш ва қулай инвестиция муҳитини шакллантириш йўналишида кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги **матнига** ўзгартиришлар ва қўшимча **иловага** мувофиқ киритилсин.

2. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, шу жумладан унинг ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан янада таъминлаш ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришдаги таъсири кенг ёритилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 февраль,
ПҚ-137-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 21
февралдаги ПҚ-137-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон
Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-
тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матнига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. «8703 21 10» позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

8703 21 10	новые транспортные средства, дата выпуска которых не превышает одного года на момент пересечения таможенной границы Республики Узбекистан , только с двигателем внутреннего сгорания с искровым зажиганием с возвратно-поступательным движением поршня, с рабочим объемом цилиндров двигателя не более 1000 куб. см	до 1 января 2023 года: 15+0,8 долл. США / куб. см; с 1 января 2023 года: 15+0,4 долл. США / куб. см;
	новые транспортные средства только с двигателем внутреннего сгорания с искровым зажиганием с возвратно-поступательным движением поршня, с рабочим объемом цилиндров двигателя не более 1000 куб. см	30+1,8 долл. США / куб. см

».

2. «8703 22 10» позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«